

Farg'ona haqiqati

10 avgust — Qurilish soxasi xodimlari kuni

ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ



В ИЛОЯТДАГИ ШАҲАР-ТУМАНЛАРДА БИТТА КУП КАВАТЛИ УЙ 2-3 ЙИЛДА ҚУРИЛГАНИ ҲАЛИ ЁДИМИЗДА. АММО СЎНГИ ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН, ЖУМЛАДАН, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ УЛКАН ҚУРИЛИШ МАЙДОНИГА АЙЛАНДИ. ЭЪТИБОРЛИСИ ШУНДАКИ, ЭНДИ АВВАЛГИДЕК ШАҲАР МАРКАЗЛАРИДА ЭМАС, БАЛКИ ЭНГ ЧЕТ ТУМАН, ҚИШЛОҚЛАРДА ҲАМ ОСМОНУПАР БИНОЛАР ҚАД КЎТАРАПТИ.



— Юртбошимизнинг аҳоли турмуш шароитини яхшилашга қаратилган ташаббуслари асосида Фарғона вилоятида **834** та уй қурилиши, **3,5 триллион** сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган, — дейди Фарғона вилоят қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи Бехзод Раҳимов. — Утган 6 ойнинг ўзидagina 1,9 триллион сўмлик ишлар ўзлаштирилди.



(Давоми 2-бетда).



ЁЗНИНГ ЖАЗИРАМАСИДА КУЗ-ҚИШ СОВУҒИНИ ЎЙЛАЯПМИЗ

Муҳаммадзиз ПИРМАТОВ, Олтириқ тумани ҳокимининг қурилиш, тўсиқларсиз муҳит яратиш, коммуникациялар, коммунал хўжалик, экология ва кўкаламзорлаштириш масалалари бўйича ўринбосари

Б угунги иссиқ кунлар ганимат, ҳадемай куз, қиш фасллари кириб келади, ҳаво ҳарорати пасайиб боради. Жазирама иссиқ ҳамюртларимизга қанчалик қийинчилик туғдираётган бўлса, қаҳратон ҳам бундан кам синовдан ўтказмайди. Шунинг учун ҳозирданок куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриши муҳим аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда).



Экин майдони ўша-ўша, АММО ҲОСИЛДОРЛИК...

УЗОҚ ЙИЛЛАР ПАХТА МАЙДОНЛАРИДАН ЎРТАЧА 25-28 ЦЕНТНЕРДАН ҲОСИЛ ОЛИНДИ.

АММО, ЗАМОНАВИЙ УСЛУБЛАР: ҚЎШҚАТОР, ТОМЧИЛАТИБ СУҒОРИШ, ПЛЁНКА ОСТИГА ЭКИШ

КАБИЛАР ҚЎЛЛАНГАЧ, ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДАГИ БУ КЎРСАТКИЧ

8-12 ЦЕНТНЕРГА ОШИДИ.



Т ошлоқ тумани пахтакорлари азалдан ташаббускор, янгиликка интилувчан. Пахтачиликда ҳосилдорлик кўчат ва кўракнинг сонига боғлиқ. Буни яхши анлаган фарғоналик, жумладан, тошлоқлик деҳқонлар йил бошида қўшқатор услуби ва Хитой технологияси асосида ерга чигит ташладилар. Агар Тошлоқ туманида ўтган йили гектаридан ўртача 39 центнердан пахта ҳосили олинган бўлса, бу йилги ҳолат ҳосилдорлик анча юқори бўлишини кўрсатмоқда. Тумандаги 165 та фермер хўжалигида 4300 гектар майдонда пахта кўчати парваришланаяпти. Унинг бир қисмида тажриба-синов давом этмоқда. Гап шундаки, ўтган йили 200 гектарда Хитой технологияси қўлланилиб, ўртача 51 центнердан ортиқ ҳосил олинган эди.



— Бу йил 1200 гектар майдонга Хитой Республикасидан келтирилган чигит экилган, — дейди Тошлоқ тумани қишлоқ хўжалиги бўлими бошлиғининг ўринбосари Иқболжон Қодиров. — Шу билан бирга, 456 гектарга айнан Хитой технологияси асосида қўшқатор ва 67/10 схемада плёнка остига томчилатиб суғориш услубини қўллаб чигит ундирдик. Бу майдонлардан ўртача 50-60 центнергача ҳосил йиғиб олиш кўзда тутилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Қишлоқ ҳаёти



АНЖИРИНИ БИР ТОТИНГУ, БОҒИНИ СУРИШТИРИНГ...

БУВАЙДА ТУМАНИНИНГ ОЛИС ОҚКЎРҒОН ҚИШЛОҒИ ЕР БИЛАН ТИЛЛАШУВЧИ МИРИШКОР БОҒБОНЛАРИ БИЛАН ДОНГ ТАРАТГАН. ҚИШЛОҚДАГИ САРХИЛ МЕВАЛАРГА МАКОН БОҒЛАРИНИНГ ҲАР БИРИ ИНСОН МЕҲНАТИ, МЕҲРИ ВА САБРИ БИЛАН ЯРАТИЛГАН.

(Давоми 3-бетда).



“Туризм маҳалласи”:

ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЛОЛЧИЛИК ЮРАГИ ДУНЁГА ОЧИЛДИ

Р иштон туманидаги “Мамадали Топволдиев” маҳалла фуқаролар йиғини “Туризм маҳалласи” мақомига эга бўлди. Бу воқеа Ўзбекистонда ички ва халқаро туризмни ривожлантириш, бой маданий меросни асраб-авайлаш борасида амалга оширилаётган ишлар самараси эканини яна бир бор тасдиқлади.



(Давоми 2-бетда).

“ENG ULUG‘, ENG AZIZ” аънавий кўрик-танловида иштирок этинг!

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ,
РЕСПУБЛИКА “ТАСВИРИЙ ОЙНА”
ИЖОДИЙ УЮШМАСИ,
БАДИИЙ АКАДЕМИЯ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ
ФАРҒОНА ВИЛОЯТ БЎЛИМЛАРИ
ҲАМДА ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯ-
СИ МАМЛАКАТИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
“ENG ULUG‘, ENG AZIZ” АЪНАВАВИЙ КЎРИК-
ТАНЛОВИНИНГ ВИЛОЯТ БОСҚИЧИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Танловга “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” деган бош ғояни ўзида мужассам этган асарлар ва материаллар қабул қилинади.
“ENG ULUG‘, ENG AZIZ” танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
— босма ОАВ ходимларининг **ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК ИШЛАРИ;**
— телевидение ва радио ижодкорларининг **ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛЛАРИ;**
— **ИНТЕРНЕТ ЖУРНАЛИСТИКАСИ;**
— публицистик жанрдаги **ЭНГ ЯХШИ КИТОБ УЧУН;**
— ёзувчи ва шоирларнинг **ЭНГ ЯХШИ БАДИИЙ АСАРЛАРИ;**
— **ТАСВИРИЙ САНЪАТ, ФОТО ВА ДИЗАЙН ИШЛАРИ.**

Танловга тақдим этиладиган ижодий ишларга куйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисидаги қисқача маълумот (объективка);
муаллифнинг паспорти ёки ID картаси нусхаси, телефон рақами.
Жамоавий иштирок этувчи ОАВнинг рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси ва ташкилот раҳбарининг паспорт ёки ID карта нусхаси.
Танловда ҳар бир иштирокчининг 2024 йил 1 августдан 2025 йил 1 августгача босма ва интернет нашрларида эълон қилинган, радио ва телевидениеда эфирга узатилган 5 тадан 7 тагача материаллари жорий йилнинг **15 август кунигача** қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами арафасида мукофотланади ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.
Босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари, телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари ҳамда интернет журналистикаси бўйича ижодий ишлар “Eng ulug‘, eng aziz” танловида деб кўрсатилган ҳолда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлимининг **94 390-19-51** ёки **90 405-77-86** рақамидаги Телеграмга юборилади.
Мурожаат учун телефон: **94 390-19-51.**
Манзил:
Фарғона шаҳар, Соҳибқирон Темуру кўчаси, 28-уй.

ФАРҒОНАНИНГ ЯНГИ ДРАЙВЕРИ

(Бошланиши 1-бетда).

Буни қарангки, Фарғона вилоятининг ўзида

бир йилда **834** та кўп қаватли уй-жой қуриляпти.

6 ойда салкам **2** триллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилган.

Шу рақамларнинг ўзбек уй-жой қурилиши ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш Фарғона вилоятининг драйверларидан бирига айланганини кўрсатмоқда.

Атиги уч йил аввал Бағдод туманидаги "Янги Ўзбекистон" массивида 64 та кўп қаватли уй қурилган эди. Бугун эса бу ташаббус мамлакат бўйлаб кўлоч ёйди.

— Фарғона вилоятида шу йилнинг ўзида **7** та "Янги Ўзбекистон" массивлари барпо этилмоқда, — дейди Бехзод Раҳимов. — Унга қўшимча тарзда Президент топшириғига кўра

қўқон шаҳридаги 34,2 гектар майдонда реновация асосида **84** та кўп қаватли уйлар қуриляпти.

Биринчи босқичнинг ўзида, яъни учинчи чорак якуни билан **4300** хонадони бўлган **56** та уйларни фойдаланишга топшираемиз.

барча қулайликларга эга алоҳида уйда яшаётганлар. Уғилларига эса аяга қўшни қилиб уй берилган.

— Янги уйга кўчиб чиқдик. Бизга 3 та 2 хонали уй берилди. Шароитлари аяқши, — дейди Ҳанифасоҳан ая қувончини яширолмади.

Булардан ташқари, инвестиция дастури асосида қиймати 866,0 миллиард сўм бўлган 107 та объект — мактаб, боғча, олий таълим иншоотлари, ичимлик ва оқова сув иншоотлари қурилмоқда. Урбанизация, туризм, йўл бўйи мастер режаларини айтишмайсанми? Хуллас, Фарғона Янги Ўзбекистонга мос қиёфага кирмоқда.

Шубҳасиз, Фарғонанинг ифтихори — кейинги 2-3 йилда бунёд этилган Эко шаҳар бўлиб қолди. Кенг кўчалар, гўзал ва кўркам бинолар, сайлгоҳ-у боғлар, ҳеч қачон қаредгага ўхшамас фавворалар... Қай бирини санайлик?

— Шу йилнинг ўзида Эко шаҳардаги мавжуд

турар жойлар қаторида яна 25 та уйлар қурилиши битказилиб, фойдаланишга топширилади, — дейди Бехзод Раҳимов.

Қолаверса, Фарғонанинг барча шаҳар-туманларида маънан эскирган бир ва икки қаватли уйлар ўрнида реновация дастури асосида янги, замонавий лойиҳадаги кўп қаватли турар жойлардан ташкил топган мавзелар пайдо бўлмоқда. Марғилондаги Гулистон маҳалласининг 80-100 йил аввал

қурилган, нураб тушаётган уйлари ўрнида 7 та ҳавас қилгулик бинолар қад ростлади. Ҳанифасоҳан ая Жалилова кечаги кунни шундай эслайди.

— Икки сотихли эски уйимизда келинларим, набирам, барчамиз — 10 та жон яшардик. Шароитлари оғир эди.

Бугун аянинг қувончи чексиз. Энди, қариган чоғида эр-хотин



Муҳаммадҷон ОБИДОВ. Муқимжон ҚОДИРОВ ва Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

ЎЗНИНГ ЖАЗИРАМАСИДА КУЗ-ҚИШ СОВУҒИНИ ЎЙЛАЯПМИЗ

(Бошланиши 1-бетда).

Туманда иқтисодий тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартиралли уй-жой фондини куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ бажариладиган ишларнинг йиғма параметрлари, йўналтириладиган маблағлар, уларнинг манбалари, ижро мuddати мавжуд. Амалий тадбирлар режасига табиий газ, электр энергияси объектлари, уларнинг қурилмалари ва тармоқларини таъмирлаш, янгилашдан тортиб, аҳолининг суюлтирилган газ ва кўмирга бўлган эҳтиёжини таъминлаш каби ишлар киритилган. Шунингдек, мавсумни бетагафот ўтказиш мақсадида коммунал соҳага дахлдор хизматларнинг иш сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича зарур чоралар қўрилган.

Аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳа объектлари, жумладан, умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасалари, кўп қаватли турар жой биноларини электр энергияси ва табиий газ билан таъминлашдаги мавжуд муаммолар, ўтган мавсумдаги таҳлиллар, жорий йилги ўрганишларимиз натижасидан келиб чиқиб, моддий-техник ҳолатларини ҳамда инфратузилмани яхшилаш масалалари ҳоқимлик ва хизмат кўрсатувчи корхоналар кесимида мувофиқлаштирилди.

"Худудгаз Фарғона" газ таъминоти филиали томонидан авария ҳолатидаги газ қувурлари босқичма-босқич реконструкция қилинмоқда, худудлардаги 2 та газни тартибга солиш пунктларини мукамал таъмирлаш, 378 тасини тафтиш қилиш, 29,3 километр газ қувурларини босим остида зичликка синая ва ҳаво босими ёрдамида тозалаш, 141,7 километр ер ости газ қувурларининг ҳолатини текшириш, 24,3 километр газ қувурларини эстетик жиҳатдан тартибга келтириш ишлари олиб борилмоқда.

Электр тармоқлари тизимида эса режалаштирилган ишлар кўлами кенг. Энг асосий вазифа — истеъмолчиларда тежамкор технологиялар ва муқобил энергияни жорий этишидир. Шундай тизим натижасида биргина ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонлари ҳисобига 56 740 кВт электр энергияси иқтисод қилинди.

Шунингдек, белгиланган режа-дастур асосида ҳозирга қадар 94,5 километр ҳаво тармоғи ва 39 та трансформатор мукамал, 232,9 километр ҳаво тармоғи ва 92 та трансформатор жорий таъмирланди, 40 та трансформатор пунктларида заминлаш контури қаршилигини меъёрга келтириш ишлари бажарилиб, техналогик исрофлар 30-35 фоизга қисқартирилди. Реактив қувват конденсация қилмаган истеъмолчиларга компенсатор батареяларини ўрнатиш ҳисобига 68,7 миллион кВт соат электр энергиясини иқтисод қилиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 18 та тадбиркорлик субъектлари шундай қурилмалар ўрнатилди. Кўча ёритиш чироқларини энерготежамкор ёриткичларга алмаштириш ҳисобига ҳар ойда 10-12 минг кВт соат электр энергияси тежамланди.

Шунингдек, белгиланган режа-дастур асосида ҳозирга қадар 94,5 километр ҳаво тармоғи ва 39 та трансформатор мукамал, 232,9 километр ҳаво тармоғи ва 92 та трансформатор жорий таъмирланди, 40 та трансформатор пунктларида заминлаш контури қаршилигини меъёрга келтириш ишлари бажарилиб, техналогик исрофлар 30-35 фоизга қисқартирилди. Реактив қувват конденсация қилмаган истеъмолчиларга компенсатор батареяларини ўрнатиш ҳисобига 68,7 миллион кВт соат электр энергиясини иқтисод қилиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 18 та тадбиркорлик субъектлари шундай қурилмалар ўрнатилди. Кўча ёритиш чироқларини энерготежамкор ёриткичларга алмаштириш ҳисобига ҳар ойда 10-12 минг кВт соат электр энергияси тежамланди.

Электр тармоқлари тизимида эса режалаштирилган ишлар кўлами кенг. Энг асосий вазифа — истеъмолчиларда тежамкор технологиялар ва муқобил энергияни жорий этишидир. Шундай тизим натижасида биргина ижтимоий соҳа объектлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда аҳоли хонадонлари ҳисобига 56 740 кВт электр энергияси иқтисод қилинди.

Шунингдек, белгиланган режа-дастур асосида ҳозирга қадар 94,5 километр ҳаво тармоғи ва 39 та трансформатор мукамал, 232,9 километр ҳаво тармоғи ва 92 та трансформатор жорий таъмирланди, 40 та трансформатор пунктларида заминлаш контури қаршилигини меъёрга келтириш ишлари бажарилиб, техналогик исрофлар 30-35 фоизга қисқартирилди. Реактив қувват конденсация қилмаган истеъмолчиларга компенсатор батареяларини ўрнатиш ҳисобига 68,7 миллион кВт соат электр энергиясини иқтисод қилиш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 18 та тадбиркорлик субъектлари шундай қурилмалар ўрнатилди. Кўча ёритиш чироқларини энерготежамкор ёриткичларга алмаштириш ҳисобига ҳар ойда 10-12 минг кВт соат электр энергияси тежамланди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари — прокуратура, давлат ҳавфсизлик хизмати, ички ишлар, адлия, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда бошқа давлат идоралари, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари қаршилик тизими ва қатъий фаолият олиб бормасин, соҳадagi қонунчилик асосларини тақомиллаштириш тақозо этилмоқда. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нурбоева Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида айтиб ўтди.

Сенат раиси коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштиришда профилактик, превентив механизмларни яратиш, коррупциявий жиноятлар рўйхатини белгилаш, жиноятни фож этишга ёрдам берганларни раббатлантириш ва ҳимоя қилиш, мол-мулк декларациясининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини, айнакка, ёшларни коррупцияга тоқатсизлик руҳида тарбиялаш зарурлигини қайд этди. Давлат органлари таркибидаги коррупцияга қарши курашиш бўлимларини (комплаенс-назорат) масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Улар ўзлари мансуб бўлган ташкилотда аниқланган коррупциявий ҳолатлар бўйича коррупцияни содир этган шахс билан бир хилда жавобгар бўлишига оид тизим йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кун давлат хизматида "ҳалоллик вакцинаси" тамойили ва механизмларини янада қатъий ва тизимли равишда ривожлантиришни талаб этмоқда. Шу боис, ишга қабул қилишда оқибат ва шэффого тизим, давлат хизматчиларининг "коррупцияга мойиллигини текшириш" институти ҳамда давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри юритилишининг норматив-ҳуқуқий асосларини яратиш бўйича амалий ҳаракатларга киришилди.

Коррупцияга қарши кураш мақсадларида фақат жиноят-ҳуқуқий воситалар билан эришиб бўлмасталини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Бундай маънавий бузилиш ҳолатга қарши курашда нафақат давлат органлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, балки жамият ва умуман барча фуқаролар масъулдир. Шундай экан, давлат ва жамият, шу билан бирга нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситаларининг биргаликдаги ҳаракати бундай иллатнинг олдини олиш ва унга қарши курашда самарали натижасини кўрсатади.

Демократик кадрлар қарор топиб бораётган бир вақтда коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилиши давлатнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизимида пурта етказди. Бунинг оқибати — амалдаги ҳоқимиятга нисбатан норозиликка сабаб бўлади, давлатни таназзулга олиб келади.

Муродхон ҚОДИРАЛИЕВ, Фарғона шаҳар адлия бўлими бошлиғи, 3-даражали адлия маслаҳатчиси.

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди гранти асосида тайёрланди).

"Туризм маҳалласи": ЎЗБЕКИСТОННИНГ КУЛОЛЧИЛИК ЮРАГИ ДУНЁГА ОЧИЛДИ

(Бошланиши 1-бетда).

ТАРИХ ВА ЗАМОНАВИЙЛИК УЙҒУНЛИГИ

Маҳалла мазкур мақомни ноёб тарихий-маданий мероси туфайли кўлга киритди. Бу ерда нафақат миллий қадрият ва ҳунармандчилик анъаналари, балки ўтмиш билан ҳозирги замон уйғунлигида яшайдиган ўзига хос муҳит ҳам сақланиб қолган.

Яқинда Риштонга таширф буюрган Жаҳон ҳунармандлар кенгаши президенти Саад ал Каддуми маҳаллага расмий лицензияни тақдим этди. У Риштоннинг дунёдаги кулолчилик марказларидан бири сифатида эътироф этилгани ва халқроқ миқёсда "Ҳунармандлар шаҳарлари" рўйхатига киришига муносиб эканини таъкидлади.

— Биз Риштон сафари давомида кулолчиликнинг тарихи, анъаналари ва маҳаллий усталар фаолиятини ўргандик. Маълумотларни кенгаши йиғилишида тақдим этамиз. Риштон аллақачон жаҳон ҳунармандчилик майдонига муносиб ўрин эгаллаган, — деди Саад ал Каддуми.

ТУРИЗМ, ҲУНАРМАНДЧИЛИК ВА МАДАНИЙ ҲОРДИҚ

Янги туристик худудда меҳмонлар

учун барча шароитлар яратилган: санитария-гиена пункти, туризм-аҳборот маркази, чойхона, меҳмонхона, "Бегойим" ресторани ҳамда хизмат кўрсатиш мажмуалари мавжуд. Сайёҳлар бу ерда нафақат маҳаллий усталарнинг маҳсулотларини харид қилишади, балки мазмунли ҳордиқ олишлари, китоб ўқиш, ҳужжатли фильмлар ва маҳаллий маданият уйлари ташкил этадиган бадий чикишларни томоша қилишлари мумкин.

РИШТОН КУЛОЛЛАРИ — ЎЗБЕКИСТОННИНГ ДУРДОНАСИ

Риштонда кулолчилик санъати 800 йилдан ортиқ тарихга эга. Лазурранг сирланган ранг-баранг нақшли идишлар, пиёла ва кўзалар бутун дунёда танилган. Бу ҳунар сирлари авлоддан-авлодга ўтиб келади.

Ўсуповлар оиласи ушбу анъанани сақлаб, бойитиб келаётган сулолалардан. Машҳур риштонлик уста Шарофиддин Ўсупов кўп йиллар давомида нодир кулолчилик намуналарини яратган, улар дунё музейлари ва ҳунармандчилик кўргазмаларида намойиш этилган. Угли Фирдавс ота меросини давом эттириб, янги авлод-



нинг устозига айланган. — Биз учун кулолчилик — шунчаки ҳунар эмас, балки ҳаётимиз мазмунидир, — дейди Фирдавс Ўсупов. — Маҳсулотларимиз Осие, Европа, Америка китъаларининг бир неча давлатларида намойиш этилган. Энг катта қувончимиз — хорижий сайёҳларнинг Риштонга келиб, айтиш жоиз бўлса, миллий санъат асарларининг яратилиш жараёнини ўз кўзлари билан кўришидир.

Бугун маҳаллада ўнлаб усталар ёшларга ҳунар сирларини ўргатмоқда. Сайёҳлар нафақат жараёни кузатишлари, балки печ иссиғини ҳис этишлари, тупроқ садосини эшитиш-

лари ва маҳорат мактабларида иштирок этишлари мумкин.

ДУНЁГА ОЧИЛГАН ОЙНА

"Туризм маҳалласи"нинг очилиши ички туризм тараққиётида муҳим қадамга эришди, балки Ўзбекистоннинг маданий бойлигини дунё ҳам-жамиятига яна бир бор намоеён этиш имкониятини яратди. Миллий анъана ва замонавийлик уйғунлашган Риштон кулолчилиги жаҳоннинг турли бурчақларидаги санъат ихлосмандлари қалбини забт этишда давом этади.

Алишер РОЗИҚОВ.

КОРРУПЦИЯ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ КУШАНДАСИДИР



Давлат сиёсатининг устувор йўналиши

Коррупция — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб нафий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай моддий қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади. У ҳар қандай давлат ва жамият ривожига жиддий таҳдид солади. Шу боис, юртимизда коррупцияга қарши қатъий курашиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган.

Мамакатимизда коррупцияга қарши курашиш борасида кенг кўламли ислохотлар, тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу жумладан, қонунчилик тизими яратилган. 2017 йил 3 январда Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат жамият иллатига қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида қабул қилинган.

Бу соҳадagi давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, унга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этишдан иборат.

Қонунга кўра, коррупцияга қарши курашишнинг асосий принципларидан бири қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигидир. Ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарлик муқарраб.

Сўнги йиллардаги коррупцияга қарши курашишни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий

асослар сифатида "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида", "Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида", "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида", "Давлат харидлари тўғрисида", "Жамоатчилик назорати тўғрисида", "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида", "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунлари ҳамда бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, ички тартиб-қоидалар қабул қилинганини қайд этиш ўринлидир.

Агар аниқланган коррупцион ҳолатларга эътибор берсак, уларнинг аксарияти мансабдор шахсларнинг таъмагирилик, порахўрлик, хизмат ва мансаб ваколатларини суиистеъмол қилиш, давлат органи ҳамда давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлишида кузатилади. Айниқса, намайиш коррупция кенг тарқалган бўлиб, асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида содир бўлмоқда. Бундан ташқари, хусусий сектор ва давлат органларидаги коррупциялар жамият тараққиётига жиддий ҳавф солмоқда.

Яқинда давлатимиз раҳбари коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишар экан, коррупция-

вий ҳолатларнинг 75 фоизи шаҳар ва туманларда намайиш шаклда бўлаётганини айтиб ўтдилар. Таъкидланганидек, ҳуқуқ-тартибот идораларида 100 миңдан зиёд ҳодим коррупциянинг олдини олиш бўйича ишляпти. Лекин кўп ҳолларда бу иллатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашилмоқда. Коррупцияга йўл қўймайдиган превентив чоралар хали етарли эмас. Ҳар кунги одамларнинг иши тушадиган ҳоқимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, "коррупциявий туёнуқлар" тўлиқ йўқолгани йўқ. Шунинг учун Президентимиз коррупциянинг фақат қамайгани эмас, қанчасининг олди олинганга қараб, давлат идоралари фаолиятини баҳолаш кераклигини, шунингдек айрим тизимларни тўлиқ рақамлаштириш ва барча соҳалар устида "рақамли назорат" ўрнатиш лозим бўлмоқда.

Шу ўринда айтиш керакки, "Ўзбекистон — 2030" стратегиясида ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида мақсад белгиланган. Хусусан, 89-мақсадда коррупциявий омилини бартараф этиш тизимининг самарадорлигини ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ишларини жадал давом эттириш сифатида қайд этилган. Ушбу мақсадни амалга ошириш бўйича 2030 йилгача эришилмайдиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари ўз аксини топди. Жумладан, давлат харидлари

тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузиш ҳолатларини икки баробарга қамайтириш, 100 фоиз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг "коррупциядан холи қонунчилик" тамойили асосида ишлаб чиқилишини таъминлаш масалалари устувор мақсад этиб белгиланган.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари — прокуратура, давлат ҳавфсизлик хизмати, ички ишлар, адлия, иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти, коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда бошқа давлат идоралари, шу жумладан, коррупцияга қарши курашиш худудий кенгашлари қаршилик тизими ва қатъий фаолият олиб бормасин, соҳадagi қонунчилик асосларини тақомиллаштириш тақозо этилмоқда. Бу ҳақда Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Нурбоева Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида айтиб ўтди.

Сенат раиси коррупцияга қарши курашишнинг қонунчилик асосларини тақомиллаштиришда профилактик, превентив механизмларни яратиш, коррупциявий жиноятлар рўйхатини белгилаш, жиноятни фож этишга ёрдам берганларни раббатлантириш ва ҳимоя қилиш, мол-мулк декларациясининг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, аҳолини, айнакка, ёшларни коррупцияга тоқатсизлик руҳида тарбиялаш зарурлигини қайд этди. Давлат органлари таркибидаги коррупцияга қарши курашиш бўлимларини (комплаенс-назорат) масъулияти ва жавобгарлигини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратди. Улар ўзлари мансуб бўлган ташкилотда аниқланган коррупциявий ҳолатлар бўйича коррупцияни содир этган шахс билан бир хилда жавобгар бўлишига оид тизим йўлга қўйилиши маълум қилинди.

Дарҳақиқат, бугунги кун давлат хизматида



Хамидулло ТУРДИЕВ,
Сўх тумани тиббиёт
бирлашмаси бошлиғи

Тиббий ислоҳот: СўХДАГИ СОҒЛОМ ТУРМУШ СИФАТИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Сўх туманидаги тиббий муассасалар тармоғи битта марказий шифохона, 7 та оилавий поликлиника, 15 та фельдшер-акушерлик пункти (ФАП), тез тиббий ёрдам бўлими ҳамда профилактика марказларини бирлаштирган. Улар 80 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқда. Туман вилоят марказидан узоқлиги ва англав худудда жойлашганлиги туфайли кўп соҳалар қатори тиббий хизмат кўрсатиш борасида ҳам муаммолар сақланиб қолган эди. Туманнинг тиббиёт тизими ҳам ислохотларга

Биз янги Ўзбекистонда инсон қадр ва манфаатларини таъминлашни ўз олдимишга эзгу мақсад қилиб қўйган эканмиз, бу йилда халқимиз саломатлигини мустақамлаш энг муҳим вазифаларимиздан бири бўлиши табиий. Айни шу мақсадда кейинги йилларда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Тизимга илғор даволаш ва диагностика усуллари, инновацион технологиялар кенг татбиқ этилмоқда.

юз тутиб, соҳага янги руҳ кирди. Шифохона ва оилавий поликлиникаларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, кадрлар салоҳиятини ошириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Соҳадаги ўзгаришлар мураккаб жарроҳлик амалиётини бажариш имкониятини ҳам яратди. Хусусан, туман марказий шифохонасига буйрак етишмовчилигидан азият чекувчи беморлар учун ҳаётини зарурат бўлган

гемодиализ аппарати, қучур диагностика имкониятларини тақдим этувчи мультиспиралли компьютер томографияси (МСКТ), ошқозон ва ичак муаммоларини аниқлашда муҳим бўлган фиброгастроудоденоскопия (ФГДС), шунингдек, скрининг ва умумий ташхисни тез ва аниқ белгилайдиган ультратовуш текшируви (УЗИ) ва рентген аппаратлари келтирилди.

Туман тиббиёт бирлашмаси сўнгги йилда олис худудларда яна 5 та янги ФАП, телемедицина хизматларини жорий этди, онкология ва реабилитация махсус кабинетларини очди. Эндиклида сўхликлар қатор юқори технологияли текширувлар учун вилоят маркази ёки бошқа туман

шаҳарларга боришдан халос бўлди. Бу нафақат вақт, балки молиявий тежамкорлик, руҳий хотиржамликни ҳам таъминламоқда.

Авваллари гемодиализ жиҳозига муҳтож беморлар Марғилон шаҳрига боришга мажбур бўлишарди. Ҳозирда шифохонамизда 4 та ана шундай замонавий жиҳоз мавжуд. Улар орқали буйрак етишмовчилигидан азият чекаётган сўхликларга малакали тиббий хизмат кўрсатиляпти.

Замонавий тиббий ускуналарнинг қўлланилиши ва беморларга эрта ташхис қўйиш имкониятининг кенгайтириши натижасида аҳоли ора-сида ўткир ва юқумли касалликларнинг олди олинмоқда. Ўз навбатида, фуқароларнинг тиббий маданияти ўсиб, улар ўз вақтида малакали текширувлардан ўтишмоқда.

Бу – соғлом турмуш учун муҳим омил ҳисобланади.

Тиббиёт муассасаларида МСКТ, УЗИ, ФГДС аппаратлари ишга тушганидан кейин ташхис сифати кескин яхшиланди. Бир неча йил олдин ҳам ташхис натижаси ҳафталаб кутиларди. Мана энди тумандошларимиз, айниқса, юрак-қон томир, ошқозон-ичак касалликлари, ўсмавлар ва суяк жароҳати бор беморлар самарали муолажалар олишмоқда.

Олиб борилаётган тиббиёт соҳасидаги ислохотлар жараёнида шифокор ва ўрта тиббиёт ходимларининг малакасини оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Янги ускуналарни бошқариш ва улардан самарали фойдаланиш учун юқори даражадаги мутахассислар зарурлигини эътиборга олган ҳолда, вилоятнинг бошқа худудларидан тажрибали мутахассислар туманга жалб этилди. Ҳозирда вилоят маркази ва шаҳарлардан келган 21 нафар малакали мутахассислар тумандаги тиббиёт муассасаларида хизмат қилишмоқда. Уларга қатор имтиёзлар белгиланган.

Шундай ўзгаришлар, жонқуяр ши-

фокорлар, юқори малакали тиббиёт мутахассислари, ҳамшираларнинг машаққатли меҳнати туфайли Сўхда ҳам илк бор юқори технологик жарроҳлик операцияси муваффақиятли ўтказилди. Бу буйрак кўчириш (трансплантация) операцияси бўлиб, жарроҳлик орқали нафақат беморнинг ҳаёти сақлаб қолинди, балки туман тиббиёти учун бурилиш нуқтаси бўлди. Ҳозирда шифохонамизда кейинги шу турдаги операцияларга тайёргарлик ишлари кетмоқда. Шунингдек, врачлар малакасини ошириш бўйича тизим йўлга қўйилмоқда, марказий клиникалар билан масофавий маслаҳатлар ўтказиш амалиётини кенгайтирялмиш. Аҳолининг соғлиғи ҳақидаги электрон тиббий карта – маълумотлар йиғиндиси тизимини яратиш жараёни давом этмоқда.

Яқин келажақда туман тиббиёт соҳасида тажриба улашувчи худудга айланиши, шубҳасиз.



Экин майдони ўша-ўша, АММО ҲОСИЛДОРЛИК...

(Бошланиши 1-бетда).

– “Наманган 77”, “82/90” навларини экар эдик. Ўтган йили кўсак қуртидан кўп талафот кўрдик, – дейди “Хуршидбек зие” фермер хўжалиғи раҳбари Хуршид Усаралиев. – Шунинг учун бу йил Хитойнинг “Луизанг–78” навини плёнқа остига қўшқатор услубида эдик. Айнан шу майдонда ҳар гектарига 284 минг кўчат ўсапти. Баҳолаш натижасида 57-60 центнердан ҳосил ҳисобланди.



Фермер дефоляция ҳақида бежиз гапирмади. Чунки унинг эзгу нияти бор. – Буниси 8, ичкарида 15 ва 5 гектарли майдонлар бор. Хонариқда 28 та фермер бўлиб, биз, икки ёндаги қўшни фермерлар билан бирга терим машинаси сотиб оляпмиз. Шартномалар имзоланди, – дейди фахр билан фермер.

Ҳа, Тошлоқ тумани ҳокимлиги пахтачиликка механизация қўллашни кенгайтириш борасида ташаббускорлардан бири. Маълумки, Фарғона вилоятига Хитойдан пахта териш машиналари тайёр ҳолда кетма-кет келтириляпти. Шу ердан улар республиканинг бошқа вилоятлари қатори Фарғона далаларига ҳам йўл олмақда.

– Ўтган йили 250 гектар майдондаги пахта терим машинасида йиғиштириб олинган эди. Бунинг натижасида қўл меҳнати камайди, терим мuddати қисқарди ва пахта териш харажати икки баробарга арзонлашди. Шундан келиб чиқиб, бу йил туманга яна 10 та янги терим машиналари сотиб олинди. Шунда 2500 тонна пахта терим машиналарида йиғиб олинди.

Шундай қилиб, Тошлоқда экин майдони ўша-ўша. Аммо пахта ҳосилдорлиғи илғор технология эвазига бир неча центнерга ошиши кутилмоқда.

Ўз мухбиримиз.
Элёр ОЛИМОВ олган суратлар.

Ҳозирнинг ўзида ҳар тупда 14-15 тадан бўлиқ кўсак бор. Уни кўчат сонига кўпайтирсангиз, қўтилаётган ҳосилдорлик шундан чиқади. Кўсаклар эса биринкетин ёрилиб, лўпни пахта толаси бош кўтариб чиқаяпти. Энди теримга киришиш тадбирларини режалаш лозим.

– Кўчатнинг кўплиги туфайли икки марта – дастлаб 15 августда ва иккинчи бор 20 августда дефоляция қилинади, – дейди Хуршид Усаралиев.

АНЖИРИНИ БИР ТОТИНГУ, БОҒИНИ СУРИШТИРИНГ...

(Бошланиши 1-бетда).

Кўёнинг заррин нури остида товланаётган бу боғларда дарахтлар шохлари ҳосил оғирлигини кўтаролмай она заминга сажда қилади. Мевалари сифати ва ширинлиги билан тирикликнинг азиз неъматини эканлигини ифодалайди.

Оққўрғонликлар анжир етиштиришда кўп йиллик бой тажрибага эга. Улар мевани парваришладан тортиб, уни сақлаш, қайта ишлаш ва бозорга чиқаришда жуда ташаббускор. Деҳқончиликнинг бу тури авлодан-авлодга мерос бўлиб ўтмоқда.

– Қишлоғимиздаги етишмадан ортиқ хонадон эгалари анжир етиштириш билан шуғулланади. Йил сайин ўшбу шифобахш меванинг ҳам ички, ҳам хориждаги талабгорлари ортиб бормоқда. Тадбиркорларимиз сархил меваларни қадоқлаб, Россия бозорига экспорт қилишга астойдил бел боғлашган. Бу эса маҳалла аҳолисининг ҳаёт даражасини сезиларли даражада яхшиламоқда, – дейди “Оққўрғон” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Азимжон Каримов.

Ҳадичахон ая Жўраева меҳнатнинг оғири билан бирга, роҳатини хис қилиб келаётган омилкор аёллардан бири. Маҳалладошлари уни тажрибали боғбон сифатида эъзозлашади.

Ўттиз сотиҳдан иборат боғни Ҳадичахон ая қалб кўри билан парваришлайди. Боғдаги ҳар бир анжир дарахт унинг пешона тери билан илдиш отган. Заҳматли меҳнат ва она заминга меҳри туфайли таъми мевалар оилага барака ва риққ келтирмоқда.

Агротехник тадбирлар биргана инсонга боғлиқ эмас, албатта. Оиладаги жон борки, ҳосилнинг баракали бўлишига ҳиссасини қўшади. Аянинг 12 фарзанди, неварано эваралари учун мевазор ҳақиқий даромад манбаига айланган. Қирқ йилдан буён етиштирилаётган анжирлар бу оила турмуш тарзининг бир саҳифасидек гўё.

Ҳадичахон аянинг таъкидлашича, анжир дарахти серҳосил, аммо парвариши алоҳида эътиборни талаб қилади. Қишда совуқ “емаслиги” учун ўралади. Ёзининг жазирамасида барглари тез-тез ювилиб, меваларига маълум миқдорда намлик берилади.

Анжир табобатда бекиёс неъмат сифатида қадрланади. Зеро, овқат ҳазмини яхшилайдиган, ич қотишини барқарор қилади, таркибидеги калий ва мағний моддалари юрак фаолиятини қувватлайди, қон босимини барқарорлаштиради. Табиий шаклар орқали организмга энергия беради, инсулинга салбий таъсир қилмайди. Ҳатто қуритилган мевалари харидордир.

Ҳадичахон Жўраеванинг ўтган йилги ҳосилдан кўнгли тўлди. Ҳар туп дарахт биринчи мавсумда 15 килограммдан, кейинги пишиқда 200 килограммгача мева берди. Бу – фақат саҳий табиатнинг инъоми эмас, балки сермашаққат меҳнат натижасидир. Боғдаги анжирнинг товланиб туриши, узумларнинг ширага тўлгани, шафтолининг ёқимли ҳиди – буларнинг бари эрталабдан кечгача ер билан “сўхбатда” бўлган аёлнинг меҳнати беҳуда кетмаганидан далолат.

– Боғга меҳр берсанг, у барака келтиради, – дейди Оққўрғон қишлоғининг фидокор, меҳнатсевар боғбонларидан бири Махситали Усмонов.

Тажрибали деҳқон анжир етиштиришни бошлаганига йигирма йилдан ошди. Ҳозирда боғидаги дарахтлар “кучга тўлган”, серҳосил мевалари кўзни қамаштиради. Бу манзара ортида йиллар давомида қилинган самарали меҳнат, изланиш ва сабр-тоқат мужассамлашган.

Баъзан ҳосил кўнгилдагидек бўлмайди, табиат инжиқликларига рўбарў келинади. Аммо Махситали ака шаштидан қайтмайди. “Қаловини топсанг, қор ҳам ёнади” деган нақлга амал қилиб, бор ҳосилни сақлаб қолишга ҳаракат қилади.

– Шу кунларда анжирнинг асосий мавсуми бошланди. Боғларга ҳатто харидорларнинг ўзлари келишяпти. Мева тез пишиб, тез айнишини ҳисобга олиб, ҳўл мева сифатида сотишдан ташқари, қуритишни ҳам йўлга қўйганимиз. Ўтган йили бешариклик тадбиркорлар ҳосилнингнинг барчасини йиғиб олишди, мева қоқисига ишлов бериб, Қозғистонга экспорт қилишди. Бу йил бундай талабгорларнинг сони анчайин ортган, – дейди у.

Дарвоқе, авваллари анжирдан асосан мураббо тайёрлаш аънанеси бор эди. Лекин ҳозирги кунда технологиялар ривожланиши билан бу мевадан фойдаланиш доираси кенгаймоқда. Тадбиркорлар анжирни қайта ишлаб, турли хил шифобахш дамламалар, экстрактлар ва табиий воситалар тайёрлашни йўлга қўйишмоқда.

Ҳа, янги технологиялар ва қайта ишлаш усулларининг кенгайтириши деҳқонларга анжир ҳосилидан кўшимча даромад олиш имконини бермоқда. Бундан ташқари, хорижий шериклар билан тажриба алмашиш ва ҳамкорлик орқали анжир етиштиришнинг илғор усулларини ўрганишга ҳаракат қилишмоқда. Бу эса келажакда анжирчиликни янада ривожлантиришга замин яратади.

Муаттар МАҲМУДОВА.

Сўз – янги сайланган раисларга!

МАҲАЛЛА – МЕҲР-ОҚИБАТ БЕШИГИ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА, ЖУМЛАДАН, ВИЛОЯТИМИЗДА ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮЛЬ ОЙЛАРИДА МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ САЙЛОВИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING “ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚОНУНИ ТАЛАБЛАРИГА МУВОФИҚ, ОЧИҚЛИК ВА ОШКОРАЛИК АСОСИДА ЎТКАЗИЛДИ. УНДА ВИЛОЯТИМИЗНИНГ 976 ТА МАҲАЛЛАСИДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ АҲОЛИСИ ИШОНЧНИ ҚОЗОНГАН МУНОСИБ НОМЗОДЛАР РАИСЛИККА САЙЛАНДИ.



Тошлоқ туманидаги “Дўстлик” маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган сайловда Гулбаҳор Ҳожибадалова номзодлар орасида сайловчилар вакилларининг энг кўп овозини олди. Мазкур лавозимдаги фаолиятининг келгуси беш йилда маҳалла ободлиги, тинчлик-осойишталиги, фуқаролар турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлидаги мақсад-режалари қандай? Сўз – Гулбаҳор Ҳожибадаловага.

янги келган оилалар ва уларнинг муаммоларини ўрганиш, маҳаллага кўниктиришда мураккаблиқлар бўлиб туради.

Кўп қаватли уйлар атрофини ободлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юмушлари доимий назоратни талаб қилади. Ўз уйи ва хонадон атрофини саранжон-саршарта сақлаб, белгиланган умумқондаларга амал қилиб яшаётган оилалар билан бир қаторда, бунинг акси бўлган хонадонлар ҳам йўқ эмас.

Собиқ тузум даврида қурилган икки қаватли уйларнинг энг катта муаммоси – канализация тармоғининг йўқлиги. Бунинг ортидан қандай қийинчиликлар келиб чиқишини айтмаса ҳам бўлади. Лекин, на илож, деб қараб турганимиз йўқ. Бу эски даврдан қолган муаммони бартараф этишга киришганимиз. Айни кунларда кўп қаватли уйларгача бўлган масофага тармоқ тортилган. Энди хонадонларга олиб кириш ишлари қолди. Уни якунига етказамиз.

Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, миллий маънавиятимизга хос бўлмаган салбий иллатларнинг олдини олиш, уларга имкон туғдирувчи сабаб ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича тарбиявий тадбирлар тизимини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, баъзи оилаларда тотувлик муҳитини яратишимиз лозим.

“Маҳалла еттилиги” фаолиятини мувофиқлаштириб, улар билан ҳамкорликда муаммоларнинг ечимини топиш асосий мақсадимиздир.

“Ижтимоий химоя реестри”га киритилган 47 та оила билан иш олиб борапмиз. Шунингдек, 5 та оилага ўз тадбиркорлик фаолиятини бошлаши учун дастлабки сарможа сифатида кредит ажратилди.

Боқувчисини йўқотган Меҳринисо Ҳакимованинг икки нафар фарзанди бор. Эҳтиёжманд оила. Ўзи олий ўқув юртида таълим олади. Унинг шартнома тўловига 6 миллион сўм моддий ёрдам, уйдаги турли хил пишиқлар тайёрлаб сотиши учун 5 миллион сўм кредит ажратилди.

Марҳабохон Содиковга маҳаллада бўш турган енгил конструкцияли бинони бердик. Икки фарзандини ёлғиз қўл билан тарбиялаётган аёл бу ерда “Ҳамширалик хизмати кўрсатиш” шохобчасини очди. Ишлари яхши кетаяпти. Бундай мисоллари кўп бўлиб келтириш мумкин.

Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида кичик бизнес ва оилавий тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчилик, чорвачилик, паррандачилик, томорқа хўжалиғи йуриштириш масалаларида тарғибот ишларини олиб бориб, маслаҳат ва амалий ёрдам бериб келаяпмиз. 8 нафар ёшларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва кенгайтириш мақсадида имтиёзли

кредитлар ажратилди. Муҳтож оилаларга ҳомийларни бириктириб, моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ва ногирон болалар, шунингдек, ёлғиз яшовчи 9 нафар кексалар ҳолидан хабар олиш доимий ишимизга айланган.

Маҳаллада камбағалликни қисқартириш масаласи ҳақида эътиборимизда. Муҳтарам Президентимиз айтганидек, “ёшларнинг энг яқин сирдоши” бўлиб, уларнинг муаммоларини ҳал этиш, “Камбағаллик реестри”га киритилган 15 нафар фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни доимий иш билан таъминлашга эътибор қаратиляпти.

Давлатимиз раҳбари маҳалла тизимини ривожланишининг янги босқичига олиб чиқиш масаласига жиддий эътибор бермоқда. Маҳалла раисларига катта ишонч билдирди. Мен шу ишончга муносиб деб олият олиб боришни бурчим, деб биламан. Мақсадим – маҳалламизни вилоятимиздаги энг обод ва хавфсиз, камбағаллик ва муҳтожликдан холи худудга, одамлари меҳроқибатли, фаровон яшайдиган масканга айлантиришга ўз ҳиссамни қўшишдир.

Абдуҷалил БОБОҶОНОВ
ёзиб олди.



Дилзодахон ҚАМБАРОВА, Фаргона туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси

Тил билганга тўрт томон очиқ

Кўп йиллардан буён ўқувчиларга рус тили ва адабиётдан сабоқ бераман. Ўқувчиларимиз изланувчан, хорижий тилларни ўрганишга бўлган қизиқишлари баланд. Биз чет тили фани ўқитувчилари ҳам ўз устимизда ишлаш, тажрибамизни янада бойитишда изланишдан толмаймиз. Натижада ўқувчиларимиз ўзлари қизиқиб ўрганаётган тилларда урғусиз, чиройли гапиролар.

ўйнайди. Бунга ёш йигит-қизлар тушуниб етмоқда. Хорижий тилларни ўрганиш ўқувчига фақат янги сўзларни ўзлаштиришни эмас, балки бошқа маданиятлар ва урф-одатлар билан танишиш имконини ҳам беради. Болалар турли халқлар ва уларнинг ҳаёт тарзи ҳақида кўпроқ билиб олишади, бу эса уларда дунёқарашни кенгайтиради. Илмий тадқиқотлар кўрсатганидек, ўзга тилни ўрганиш болалар миясининг фаол ишлашини таъминлайди. Натижада мантиқий фикрлаш ва ёдлаш қобилиятлари янада ривожланади. Янги Ўзбекистонда барча соҳаларда

бўлгани каби таълим тизимида ҳам самарали ўзгаришлар юз бермоқда. Айниқса, она тили билан биргаликда чет тилини билиш даражаси бўйича сертификатга эга бўлиш кўплаб ёшларнинг орзуси бўлиб қолди. Мактабимиз ўқувчилари ҳам ўтган ўқув йилида бирин-кетин мана шундай сертификатларни қўлга киритдилар. Мумтоза Исроилова, Марзияхон Қобилова ана шулар жумласидан. Мамлакатимизда хорижий тилларнинг ўқитилиш сифатини оширувчи лойиҳалар ишлаб чиқилган, турли услубий қўлланмалар мавжуд. Ўқувчилар биргина ўқиш ёки сўзларни ёдлаш

орқали хорижий тилни ўзлаштирибгина қолмай, кичик матнлар, чет тилидаги бадиий адабиётлар, кинофильмларни таржима ва таҳрир қилиш ҳамда ўзаро мулоқот жараёнларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Натижада уларнинг талаффузи яхшиланиб борапти, сўз бойликлари ортмоқда. Ўртбошимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз мактабдан қанчалик билими бўлиб чиқса, юқори технологияларга асосланган иқтисодиёт тармоқлари шунча тез ривожланади, кўплаб муаммоларни ечиш имкони туғилади. Шундай экан, Янги Ўзбекистон оstonаси мактабдан бошланади. Ўсиб келаётган ёш авлод бахту қамолини белгилловчи билимлар манбаи мактаб экан, биз устозлар ота-оналарнинг, ўқувчиларнинг ишончини оқлаш учун ўз устимизда ишлаш, тизимга янгилликларни жорий этишдан толмаймиз.



Давлат ПОЛВОН (Давлатжон Полвонов) – 1981 йилда Бағдод туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. "Хуррият", "Ўзбекистон овози", "XXI аср" газеталарининг Фаргона вилояти муҳбири сифатида ишлаган. "Тоҳир Бағдод" телеканали, 2006 йилдан "Бағдод ҳаёти" газетаси Бош муҳаррири бўлиб ишлаган. Ҳозирда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Фаргона вилояти бошқармаси матбуот котиби сифатида фаолият юритмоқда.

БАҒДОДИМСАН

Қайда бўлмай, хаёл сенда, дилим сенда, Маҳдунг билан уйғонаман, тилим сенда. Илму урфон ўзингдadir, билим сенда, Камтаргина, ҳалол меҳнат – ижодимсан, Тупроғи – зар, суви – зилол Бағдодимсан.

Билолмайман, сендан айро яшарманми, Дунё кезиб, чўл-у саҳро ошарманми, Остонангга гул пойандоз тўшарманми, Муштоқликда ғайбдан келган имдодимсан, Севдим сени мисли Билол, Бағдодимсан...

Дардга малҳам сўз бормикан сендан ортиқ, Менга илҳам кўз бормикан сендан ортиқ. Бор-у йўғим сеникидир, сенга тортиқ, Жонга яқин қўшиқ, шеърү бағтимсан, Садоларим кетмас заво, Бағдодимсан.

Ўтди қанча Эркинларинг, Тоҳирларинг, Ҳам ижодда, ҳам қурашда моҳирларинг. Ҳали сафда яна қанча зоҳирларинг, Самолардан қўл узатган ажодимсан, Бошингда тож қўқда ҳилол, Бағдодимсан.

Изим қолган кўчаларинг азиз менга, Соя-салқин гўшаларинг азиз менга. Ҳар не бўлса, ўшаларинг азиз менга, Саранжомим, сариштамсан, ободимсан, Гул маконда бир түп ниҳол – Бағдодимсан.

Толем бир, чамбарчасдир ўзинг билан, Юзим ёруғ сенинг ёрқин юзинг билан. Фаҳрда бўл оқил ўғил-қизинг билан, Эзгу фикр, эзгу амал, муродимсан, Меҳринг билан топдим висол, Бағдодимсан.

ЎҒЛИМГА

Давронбек! Ичим жимирлайди исмингни айтсам, Тилим айланмайди бошқа сўзларга. Қанийди бир умр термилиб ўтсам, Ўзимнинг кўзимдек қора кўзларга.

Ўтибман Худога шукрона айта, Сенинг исинг келган ҳаводан хўллаб. Инжиқлик қилвер. Қайта ва қайта Бувинг этагини қўявер хўллаб.

Ташириданг кўкрак керилиб кетди, Дунини кучмоққа етади қўлоч. Уйим бозор бўлди, интиқлик ўтди, Энди, ўғлим, аста қафтларингни оч.

Майлига, кечқурун мени ухлатма, Овозингга тўлсин зериккан хонам. Ширин алласини бир зум тўхтатмай, Бешингини қўчиб мудрасин онанг.

Фаришталар суйиб учсин устингда, Доғли тўшагингни бағримга босай. Айвондаги эски икки устунга Қўш нурларидан беланчак осай.

Сенга мерос бўлсин иродат, кучим, Сира кўринмасин кўзларингда нам. Соҳларидан тортиб қочмоғинг учун Хоҳлайсанми синглинг бўлишини ҳам?!

ЯНА СЕВСАМ

Неча йиллар рўё каби қолди ортда, Энди бахтим кулармикан, яна севсам. Шу бугунқоқ бир сулувни топиб, шартта Яна севсам бўлармикан, яна севсам. Яна севсам, дўст-у душман нима деркан, Деган савол ич-этингни ёмон еркан. Уйланмаган йигитлардай бўлиб кўркам, Яна севсам бўлармикан, яна севсам. Не савдолар кўрмади-я шурлик бошим, Ҳали-ҳамон сузилмади шўрдек ошим. Эндигина қирқ бешга етди ёшим, Яна севсам бўлармикан, яна севсам.

Ишқ кечирмас вафосизни – ярамасни, Ёрни Лайли, ўзни Мажнун санамасни. Ишқилиб, дил қонамасни, ярамасни – Яна севсам бўлармикан, яна севсам. Товонимдан сочимгача садоқатдир, Туйғуларим безовтадир, бетоқатдир. Кўчогини очармикан менга тақдир, Яна севсам бўлармикан, яна севсам. Ишда – шоғирд, ишқда эса устоздайман, Ўзим каби ҳар ошиқни устоз дейман. Бўлди энди бошқа қизга шеър эъмайман, Яна севсам бўлармикан, яна севсам.

Давлатман-у, бисотим йўқ, давлатим йўқ, Бойлар каби салобатим, савлатим йўқ. Гарчи бахтга талабим бор, навбатим йўқ, Яна севсам бўлармикан, яна севсам.

Давлат ПОЛВОН.

“ОҚ-ҚОРАНИ АЖРАТИШ УЧУН ПАНЖАРА ОРТИДА ЎТИРИШ ШАРТ ЭМАС” дейди бешариқлик Бекмурод Адҳамов

БЕШАРИҚ ТУМАНИНИНГ “ЮҚОРИ ТОВУЛ” МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИГИНИДА ЯШОВЧИ БЕКМУРОД АДҲАМОВНИНГ ҲАЁТИ ЙЎЛИ ҲАР ҚАНДАЙ ИНСОННИ УЙГА ТОЛДИРАДИ, КЎПЧИЛИККА САБОҚ БЎЛА ОЛАДИ. УНИНГ ЁШЛИҚДАГИ УМИРИ АЧЧИҚ СИНОВЛАР, СОҒИНЧ ВА ИНТИЗОРЛИК БИЛАН ЎТГАН БЎЛСА-ДА, ЭНДИЛИКДА САБР, ҲАЛОЛ МЕҲНАТ ВА ПОК НИЯТ БИЛАН ЯШАМОҚДА.



Бекмурод ака 1999 йилда бувайдалик Оминахон опа билан турмуш қурганди. Аммо тақдир унга оғир синовларни тақдим этди. Оила қурганидан атиги бир ой ўтиб, озодликдан маҳрум қилинди. Ёш келин турмуш ўртоғини кутиш, унга садоқатли бўлишдек оғир юкни зиммасига олди. Шу садоқат билан йилларни ортда қолдириб, бугунги кунга етиб келди. Одамлар орасидаги садоқат, меҳр ва сабрнинг қадри унутилиб бораётган бир пайтда бундай фазилатларни юрагига асраб келаётган инсонлар бисёр. Аслида ҳар бир аёлнинг кўнглида қудратли сабр ва садоқат яшайди, аммо ҳаммага ҳам уни намойён қилиш насиб этмайди. Ниҳоят, Оминахон опа кутган кун ҳам етиб келди. Эри озодликка чиқди. Қора сочлари оқарган, қувноқ нигоҳларида маҳкумлиқ азоби из қолдирган Бекмурод ака хонадонни оstonасини қайта ҳади.

Абдушукор ака вафот этди. Ўғил бўлиб отасини охириги манзилга кузатиб қўя олмагани унга армон бўлиб қолди. Онаси Мубораххон хола эса ўғлисиз ўтган йилларда кўп кўз ёшини тўқди, умид қилган кунни интизорлик билан кутди. Фарзандини дуо қилиб, нажот йўлини сўраб яшади. Озодликка чиққач, Бекмурод ака ўтмишини орқага ташлади, тўғри йўлга қайтишни истади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 июндаги “Озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаб бўлган фуқароларнинг ижтимоий мослашувига кўмаклашиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, Бекмурод акага меҳнатга ҳақ тўлашинг энг кам миқдорининг ўн баравари миқдоридан “дастлабки ижтимоий-моддий ёрдам пакети” ажратилди. Шу маблағ эвазига катта акаси Абдухамбил ёрдами билан кичик чех очди, альюминий эшик-ром ясаш билан шуғуллана бошлади. Тез орада яхши ният билан бошланган иш натижасини берди.

Йиллар давомида сабр ва умид билан турмуш ўртоғини кутган Оминахон опа Бекмурод аканинг чин маънодаги қўллаб-қувватловчиси. Яқинда оила учун яна бир қувончли воқеа юз берди. Улар фарзандли бўлишди. Чақалоқ йиғисини ю кулгисини оғир йиллар азобини унуттираётгандек... Қамқоқ инсонни тўғриламайди, аслида инсон ўзини ўзи тўғрилаши керак экан. Агар вақтини ортга қайтаришнинг имкони бўлганида, ҳеч қачон хато йўлдан бормаган ва ақинларимдан аёлда яшашни танламаган бўлардим, – дейди Бекмурод Адҳамов. – Яқинда бир танишим гапириб қолди, 20 йиллик мобайнида чет элда ишлаб рўзгор тебратибди. Узининг ҳисоби бўйича шу йиллар орасида бор-йўғи 11 ой оила-ласида яшабди. Мен жазо муддатини ўташга мажбур бўлганим учун оиламдан, яқинларимдан олисда эдим, моддий бойлик, ҳашамат ҳеч қачон оиладан устун бўлолмастлиғига тақдирим сабоқ берди. Онанинг дуоси, ҳалол меҳнат ва оила-га садоқат – Бекмурод аканинг бугунги

ҳаёти тамойилига айланган. Ҳозирда у тадбиркорлик фаолиятини янада кенгайтиришни, маҳалладошларига фойдаси кўпроқ тегишини мақсад қилган. Жамият тараққиёти, оилалар тинчлиги ва Ватанимиз равнақи, энг аввало, ёшларимизнинг тўғри йўл танлашига боғлиқ. Аммо, баъзи шахслар бегона гоёларга эргашиб, ўз нафси қулига айланиб, сабрсизлик, жоҳиллик оқибатида жиноят йўлига кириб қолмоқда. Оқибат эса кўпчиликка аён: йилларни бешафат “ютадиган” қамқоқ жазоси, пушаймонлик ва ёлғизлик. Адҳамовлар оиласининг бошига тушган аччиқ қисмат сабаби ҳам айнан шу – бир пайтлар билиб-билмасдан босилган нотўғри қадам, қонунчиликка хилоф хатти-ҳаракатдир. Баъзилар, айниқса, ёшлар тушуниб етмоғи лозимки, қамқоқ жазоси – оддийгина панжара ортидаги ҳаёт эмас. Бу орзу ва режаларнинг бар-бод бўлиши, яқинларингдан узоқлашиш, эркинликнинг қадрини бой беришдир.

Дурдона ҒОҒҒОРОВА.

Иқбол МИРЗО, Ўзбекистон халқ шоири Агар жаннат кўқда бўлса...



Олисдаги маҳмадана, эй эски олчoқ, Менга қадам ташламоқни ўргатмагин сен! Ўзингга боқ, кейин, майли, ноғорангни қоқ, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Тинчлик дея юрак бағри куйиб элдир бу, Яратганнинг қошида энг суюқ элдир бу, Ўтмиши ҳам, эртаси ҳам буюқ элдир бу, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Дала-даштар ўз-ўзидан Эрам бўлмагай, Лелик сендан беминнат бир қарам бўлмагай, Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмагай, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Китобингда даҳоларим сўзлари бордир,

Деворингда боболарим излари бордир, Мағрур элнинг эту тирноқ дўстлари бордир, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Ялтираган ҳамма нарса эмас тилла, ҳей, Ҳайфидр сенга Нақшбанддан қолган салла, ҳей, Эй, худони танимаган чаламулла, ҳей, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Ҳали баланд довлонларга от қўядирман, Керак бўлса осмонларга от қўядирман, Лоқайдлиғи нодонликка ўт қўядирман, Менга қандай яшамоқни ўргатмагин сен! Агар жаннат кўқда бўлса, остидадир Ўзбекистон, Агар жаннат ерда бўлса, устидадир Ўзбекистон!

ЭЪЛОНЛАР

ЎСИМЛИКЛАР КАРАНТИНИ ВА ҲИМОЯСИ АГЕНТЛИГИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ЧИГИРТКА ВА ТУТ ПАРВОНАСИГА ҚАРШИ КУРАШ ХИЗМАТИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Фаргона вилоят Чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизмати томонидан вилоятимизнинг шаҳар ва туманларида тут дарахтининг зараркунандаси бўлган тут парвонасига қарши курашиш ишлари бошланди.

Тут парвонасига қарши курашишда уларга таъсир этувчи моддалар – “Лямбда-цигалотрин”, “Имидаклоприд”, “Ацетамиприд”, “Ал-фацеперметрин” таркибли захарли кимёвий воситалардан фойдаланилади. Шуни инобатга олиб, асалари парвариси билан шуғулланувчи шахслар, тадбиркорлар ва хўжаликларидан тут парвонаси тарқалган жойларга асалари уяларини олиб қирмасликларини ҳамда кимёвий ишловлар олиб бориладиган ҳудудлардан узоқроқда жойлаштиришларини сўраймиз ва бу бўйича барчани огоҳлантираимиз.

Фаргона шаҳар, Чаманзор кўчаси, 35-уйда жойлашган УТТ “Erkinova Gulshodaxon Inomjon qizi”га тегишли бўлган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фаргона шаҳар, “Фурқат” МФЙ, Ёшлик кўчаси, 125-уйда жойлашган “Eva eye care” МЧЖга тегишли бўлган думалоқ муҳр ва тўртбурчак тамга йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Кундалик одатлар мақсадга мос бўлсин!

Ҳар бир катта ўзгариш кичик одатлардан бошланади. Америкalik ёзувчи Жемс Клирнинг дунёга машҳур бўлган “Атом одатлар” номли китобида айнан шу ҳақиқатга чуқур ва оддий мисоллар орқали урғу берилган. Мен асарни ўқиб, шундай хулосага келдим: инсонни буюқ қиладиган нарса – кундалик оддий, аммо фойдали одатларидир.



секин йўқотишимиз, ҳар кун яхши ниятлар қилиш орқали хулқимизни, инсоний фазилатларимизни яхшилаб боришимиз лозим бўлади. Яхши одатлар – бизнинг энг катта бойлигимиз. Чунки улар орқалигина ўзимизни ва жамиятни ижобий томонга ўзгартира оламиз.

Мавлудахон БОТИРОВА, Қўштепа тумани, 85-оилавий поликлиника ҳамшираси.

Муаллиф ёзади: “Сиз муваффақият даражанингизга эмас, одатларингиз даражасига тушасиз. Сиз тизимингиз даражасида кўтариласиз”. Фикримча, инсон қанчалик катта орзулар қилмасин, агар унинг кундалик одатлари бу орзуларга мос бўлмаса, у мақсадига етолмайди. Аммо, аксинча, ҳар кун кичик, лекин тўғри қадамларда давом этса, орзулари рўёбга чиқади. Китобда яна бир чуқур фикр бор: “Катта ўзгаришлар – бу сабр билан тақдорланган кичик яхшиланишлардир.” Кўп ҳолларда биз муваффақият сари тезда етиб боришни истаймиз, лекин ҳаракатни фақат катта қадамлар билан

тасаввур қиламиз. Ҳаётда энг барқарор ўзгаришлар аста-секин, доимий ва ижобий одатлар орқали юз беради. Масалан, кунда бир саҳифа китоб ўқиш, тонгда 10 дақиқа машқ қилиш, ишга шукр билан ёндашиш – булар кундалик ҳаётий ҳаракатлар, лекин оддий одатлар вақт ўтиши билан катта натижалар беради. Муаллиф битганидек: “Ҳар кунни ўзингизни 1 фоиз яхшилаб боринг, вақт ўтиб бу ўзгаришлар сизни таниб бўлмас даражада ўзгартиради.” Шундай экан, биз ўзимиздаги энг яхши одатларни ривожлантириб боришимиз баробарида, ёмонларини аста-

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini nashriyati	2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фаргона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган. Индекс: 7521.	Газета "Zakovat nashriyoti uyi" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да чоп этилди. Босмахона манзили: Наманган вилояти, Қосонсой шаҳар, Чорбоғ кўчаси, 17. Буюртма: 11838.	Бизнинг манзил: 150114, Фаргона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй. Телефонлар: 94 390-19-51, 93 370-07-14 Саҳифаловчи: Алишер Розиков.
Бош муҳаррир: Рустам ОРИПОВ	Газета жума кунни чиқади. Адади: 2061 нусха.	Баҳоеси келишилган нархда.	Босингга тошириш вақти: 16.00. Тоширилди: 15.30.